Ватан севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газети

Обуначига 1 сўм 50 тийин. Сотувда—3 сўм.

1992 йил 5 ноябрь, пайшанба № 218 (21.316).

ШАРОФ РАШИДОВ: ТОШКЕНТДАГИ ТАБАРРУК ВА ЎЧМАС ИЗЛАР



«... Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигини нишонлашдан мақсад, авваломбор, бу улуғ зотнинг ўттиз йилдан кўпроқ Ўзбекистонимизга, халқимизга қилган хизматини улуғлаш, номини авлодлар учун тиклашдир»

И. А. КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

Шароф Рашидовнинг муҳтарам номи Ўзбекистон пойтахти, Шарқ дарвозаси — Тошкентнинг янги тарихи ва тақдири билан йўғрилиб кетган. Буюк бобомиз Амир Темурнинг юртбошиларнинг қилган хайрли ишлари қурган биноларида қолади, деган ҳикматли гаплари ҳудди Шароф отамиз ҳақида айтилгандек. Шу маънода Тошкентда, унинг меҳнаткаш халқи қалбида Шароф Рашидовнинг табаррук ва ўчмас излари, ардоқли хотиралар бор. Пойтахт аҳли унинг азиз номини доимо миннатдор бўлиб тилга олади, қалб тўрида сақлайди. Газетамизнинг бугунги саҳифалари шундан ҳикоя қилади.

Адҳам ФОЗИЛБЕКОВ,
ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИ

Ҳозир серқуёш диёримизда олтин куз. Ҳаммаёқ тўкинсочин. Бепоён далаларда деҳқонлар меҳнати билан етиштирилган пахтадан тортиб, шарбат меваларгача йиғиштириб олинмоқда. Азалий одатдимизча бундай пайтда диёримизда тўкин дастурхон устига тўйлар, маросимлар жуда ярашиб кетади. Бундан етмиш беш йил муқаддам ана шундай саховатли кунларда Жиззах диёрида бир инсон дунёга келди. Мурғак гўдакнинг йиғиси ота-онасининг хонадонида янграган бўлса, меҳрибон энагалар бундай фаслда туғилган фарзанд шарофатли бўлади, деб яхши ният қилдилар ва унга Шароф деб ном қўйдилар.

Шароф Рашидов ким эди? У жафокаш халқ орасидан чиққан зиёли, Ватан уруши бошланганда елкасига милтиқ осган баҳодир жангчи, ундан кейин меҳрибон мураббий, яна ундан сўнг истеъдодли ижодкор ва ниҳоят донишманд раҳбар эди. Бир йигитнинг куч-қудрати туганмас эканлигини намойиш этишга қодир бўлган азамат инсон. Шунинг учун ҳам 40 йилга яқин муддат раҳбарлик лавозимларида жавлон уриб ишлади. Шунча вақт киндик қони тўкилган она диёри Ўзбекистон туғилғини муқаддас ва азиз деб билди, унинг одамлари ҳаётини фаровон этиш ниятида покиза виждони билан бел боғлаб катта майдонга чиқди. Унинг бирдан-бир эътиқоди ҳам, иймони ҳам, бутун вужуди ҳам асрлар бўйи эзилиб келган ўзбек халқининг юмушлари йўлида меҳнат қилиш эди. Шунинг учун ҳам ўзбек халқининг тақдирида у доимо қуёш каби чарақлаб турди.

Мутафаккир шоиримиз Алишер Навоий яратган Фарҳод ишқ-муҳаббат дардида қўлига теша олиб ҳарсанг тошларни қўпориб чўлларга сув чиқарган бўлса, ўзбек халқи ўзи тарбиялаб, ўзи камолотга етказган Шароф Рашидов қўлига тафаккур ва адолат тешасини олиб, ташна қалбларга зиё ва маънавият чашмаларини оқизди. У фронтда дев юракли баҳодир бўлган бўлса, хонадонида нуроний падар, раҳбарлик лавозимида эса улуғбекона мунажжим, бадиий ижодда ўзига хос адиб ва, нафосат оламининг маҳоратли соҳиби эди.

Шароф Рашидов чор Россиясининг бир асрдан ортиқ мустамлакаси оқибатида рўй берган емирилиш изларини йўқотиш учун ўзининг толмас иродаси, теран заковатини ишга солди. Шоир айтганидек, Амир Темур қиличи етолмаган жойларни у жўшқин мутафаккирлиги, мафтункор оташин сўзлари билан «забт» этди. Шунинг учун ҳам унинг номини Жакартадан тортиб Деҳлигача, Карочидан Кобулгача, Теҳрондан Истамбул орқали Қоҳирагача, буёғи Римдан Париж орқали Гаванагача ҳурмат билан тилга оладилар. Яқин атрофдаги қондош-қардош элатларимиз ва миллатларимиз Рашидовни «Ўзбек оғам, менинг оғам», — дер эдилар.

Шароф Рашидов ярим асрга яқин муддат Тошкентнинг сувини ичди, бу шаҳарнинг одамлари билан бир онадан туғилган ога-инилардек бўлиб яшади, бу азим шаҳарнинг ҳар бир кўчаси, ҳар бир маҳалласини ўзининг ардоқли ватани деб билди. У умр бўйи Ўзбекистоннинг тараққиёти ишқида, ташвишида толмай ишлар экан, бу кўҳна заминнинг обод бўлиши, унинг ҳудуди қулоч ёзиши, жаҳон шаҳарлари қаторидан муносиб ўрин олиши учун беқиёс ғамхўрлик қилди.

Эртанги муборак кун арафасида Тошкентнинг қай бир райони, қай бир кўчасидан ўтмайлик, унинг рамзий сиймоси рўпарамиздан қучоқ очиб чиқиб келаётгандек туюлади. Шароф Рашидов Тошкентда яшаб, шу ерда ҳалол меҳнат қилиб, бутун республикага оқиллик билан раҳбарлик қилган даврда шаҳар хўжалиги тараққиёти мислсиз юксалди. Статистика идораларининг маълумотларига назар ташласак, жуда салмоқли кўп рақамларнинг мазмунини чақамиз. Бу кўҳна масканда катта бунёдкорлик, ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. 1960 йилдан бошлаб Тошкент шаҳрига 9,5 минг гектар янги майдон саҳни қўшиб берилди. Аҳолисининг сони 1959 йилда бир миллионга етар-етмас бўлса, 1982 йилда икки миллионинчи фарзанд — Саодат исмли қизча туғилиши билан шаҳар халқи фаровонлиги ва аҳолининг умумий сони 2 миллион кишига етганлиги тантанали нишонланди. 1985 йилда эса бу рақам 2 миллион 35 минг 300 га етди. Ҳозир ўша чексиз ғамхўрликнинг самараси натижасида Тошкентда 2 миллион 121 минг 200 киши яшамоқда.

(Давоми иккинчи бетда).

Омон МАТЖОН.

ҚУТЛУҒ МЕРОС

(Бобо ва невара)

— Бобо, бу нечук боғ, не гўзал макон,
Чинорлари ўзи мингдан ошади?!
— Уғлим, бу Ватанда ерсевар инсон,
Шароф ота отлиғ боғбон яшади!

— Бобо, бу не шаҳар, уфққа туташ,
Қўзни қамаштирар ҳар уй, ҳар девор?!
— Уғлим, оғир кунлар элга бўлиб бош,
Буни Шароф ота қурди, зўр меъмор.

—Бобо, нечук гавжум, ободдир бугун,
Қўҳна харитада, қуш учмас саҳро?!
— Очгандир элининг қудрат булоғин
Толмас Шароф ота, мироб, раҳнамо.

— Бобо, кўкка етган бу не минора?!
Қаранг, ер остида чароғон йўллар!
— Уғлим, бул тарихда йўқдир канора,
Хотира азиздир, оқдир хаёллар.

Елкадаги юклар зил бўлатуриб,
Оёқда кишанлар оғирдан оғир,
Узга бир давлатга қул бўла туриб,
Қўш бошли қузғунга ем бўлиб бағир.

Истибдод остида, сўнг нафас билан
Бу ер асралгандир! Сенга меросдир!
Энди эрк йўлига чиққанда Ватан
Сен шуни авайлаб-асрасанг басдир!



ЭЛ СЕВГАН ИНСОНГА БАҒИШЛАБ

Тошкент давлат дорилфунуни маданият саройида «Шароф Рашидов ва Ўзбекистонда олий таълимнинг ривожи» мавзуида йиғилиш бўлди.

Анжуманни Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълими вазири, академик Ж. Абдуллаев очди. Тошкент давлат дорилфунуни ректори, академик Т. Жўраев, Тошкент давлат техника дорилфунуни ректори, академик О. Салимов ва бошқалар Шароф Рашидовнинг Ўзбекистон ва унинг халқи олдидаги хизматлари тўғрисида гапирдилар. Ш. Рашидовнинг орзу-ниятлари бугунги кунда рўёбга чиқаётгани таъкидланди.

Йиғилиш қатнашчилари Шароф Рашидов ҳаёти ва фаолиятига бағишланган кўргазмани қизиқиш билан томоша қилдилар.

(ЎзА).

ДИНМУҲАММАД ҚЎНАЕВ— «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» МЕҲМОНИ





СУРАТЛАРДА: 1. Динмуҳаммад Қўнаев — Тошкент аэропортида. 2. Журналистлар ҳузурида.

В. МОЛГАЧЕВ ва Е. БОТИРОВ олган суратлар.

Сиз, муштарийларимиз газетамизнинг кечаги сонида «Дўстим Шароф Рашидов ҳақида сўз» сарлавҳали суҳбатда ўзбек халқининг қондош, азиз дўсти Динмуҳаммад Қўнаевнинг дил сўзларини ўқиган эдингиз. Қозоғистонда қарийб қирқ йил мобайнида раҳбарлик лавозимларида ишлаган Динмуҳаммад Қўнаев ўзининг энг яқин сафдоши ва дўсти Шароф Рашидов туғилган куннинг 75 йиллиги тантаналарида қатнашиш учун кеча Тошкентга келди.

Азиз меҳмон самолётдан тушибоқ «Ўзбекистон овози» газетаси журналистлари жамоасининг ҳурматли меҳмони бўлди. Маълумки, бу ижод масканида Шароф Рашидов ўттиз ёшли йигит чоғида бош редактор лавозимида ишлаб ўзининг ёрқин изини қолдирган эди. Шунинг учун ҳам Динмуҳаммад Қўнаев ардоқли дўсти ишлаган жойга бажонидил меҳмон бўлиб келди.

Редакциянинг музейида бўлган мазмунли суҳбат чоғида Шароф Рашидов ҳақидаги ёрқин хотиралар билан ўртоқлашди. У атоқли давлат арбоби ва адибнинг мазмунли ҳаёт йўлига юксак баҳо берар экан, Шароф Рашидов мусулмонларнинг асл фарзанди, деб таърифлади. Динмуҳаммад Қўнаев Шароф Рашидов билан ҳамжиҳатликда икки ўлкада амалга оширилган улуғвор ишлар, халқлар фаровонлигини ошириш борасида бажарилган тадбирлар ва ўша даврнинг ўзига хос машаққатлари ҳақида мароқли гапириб берди.

Учрашувда қатнашган кекса давлат арбоби ва халқ оқсоқоли Нуриддин Муҳиддинов ўзбек ва қозоқ халқларининг азалий дўстлиги тўғрисида гапириш билан бирга Динмуҳаммад Қўнаевнинг мазмунли ҳаёт йўли ибратли эканлигини айтди.

РЕСПУБЛИКА ВИЛОЯТЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 4 НОЯБРГА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Биринчи устун— вилоятлар; иккинчи устун— бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан бери

Бухоро	1,17	92,57
Қашқадарё	1,71	90,45
Фарғона	1,07	88,05
Наманган	1,63	87,61
Андижон	1,13	86,68
Сурхондарё	1,56	76,69
Хоразм	0,80	76,45
Тошкент	1,40	76,20
Навоий	0,96	73,30
Сирдарё	1,75	69,73
Қорақалпоғистон Республикаси	1,20	69,44
Жиззах	1,69	65,00
Самарқанд	1,52	56,30
Республика бўйича	1,38	78,67
1991 йилдагиси	0,28	102,68

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» МУХБИРЛАРИ ИЛҒОР РАЙОНЛАРДАН ЁЗАДИЛАР

Қува район пахтакорлари Фарғона вилоятида биринчи бўлиб давлатга пахта сотиш йиллик режасини бажардилар. Давлатга 32800 тонна қимматбаҳо саноат хом ашёси етказиб берилди. Ҳар гектардан ўртача 31 центнердан ҳосил олинди.

А. ИБОДИНОВ.

* * *

Қашқадарё вилоятининг Ғузор ва Косон районларидан кейин қўриқ Баҳористон ва Муборак районлари пахтакорлари ҳам зафар маррасига етиб келдилар. Баҳористон районн заршуносларн давлатга режадаги 21500 тонна ўрнига 22 минг тоннага яқин юқорн снфатли пахта топширишдн. Муборакликлар уйган хирмон 22 минг тоннадан ошди.

М. КАРОМОВ.

БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

4 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Америка Қўшма Штатлари ҳукумати «Тинчлик корпуси» ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди.

Битимга кўра АҚШ «Тинчлик корпуси» Ўзбекистон Республикасига ўз кўнгиллиларини юбориб, мамлакатимиздаги маориф, олий таълим, кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантириш соҳасида ёрдам беради. Битимни Ўзбекистон Республикаси ҳукумати номидан Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Убайдулла Абдураззоқов, Америка Қўшма Штатлари ҳукумати номидан АҚШнинг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Генри Ли Кларк имзолашди.

(ЎзА).

БИЛЛ КЛИНТОН САЙЛОВДА ҒОЛИБ ЧИҚДИ

Ахборот маҳкамалари тарқатган хабарга кўра, Америка Қўшма Штатлари Демократлар партиясининг номзоди Билл Клинтон АҚШ президентлигига 3 ноябрь куни ўтказилган сайловда ғолиб чиқди. Дастлабки маълумотларга қараганда, у сайловчиларнинг кўпчилик овозини олишга эришган. Демак, Билл Клинтон 1993 йилнинг январида Америка Қўшма Штатларининг 42-президенти рутбасида қасамёд қилади. Сенатор Альберт Гор эса АҚШнинг вице-президентлигига сайланди.

(ЎзА).



Бугунги Тошкент қиёфаси жаҳон пойтахтлари меъморчилиги билан рақобатлаша олади.



ШАРОФ РАШИДОВ: ТОШКЕНТДАГИ

ШАРҚНИНГ УЛУҒ ДОНИШМАНДИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Шароф Рашидовнинг раҳбарлиги даврида Тошкентнинг 2 минг йиллик ёши илмий жиҳатдан асосланди ва бу сана улуғвор тусда нишонланди. Бу ходиса Ўзбекистон тарихида катта сиёсий ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлган тадбирдир.

Донишманд раҳбар ва атоқли давлат арбоби ишлаган даврда шаҳар аҳолисининг турмуш даражаси юксалиш сари собит қадамлар қўйди. Тунда шаҳар миллион-миллион электр лампочкалари ёруғида нурафшон сўзана ёпинганини кўз-кўз этади. Демак, муаззам шаҳарнинг минглаб шаҳобчалардан иборат ҳаёт томирларида катта электр қуввати гупуриб оқмоқда.

Тошкент аҳолиси замонавий уйларда яшаши учун катта-катта маблағлар ажратилди ва сарфланди. 1966—1985 йилларда 238,4 минг квартира ёки 17 миллион 453 минг квадрат метр уй-жой бинолари қад кўтарди. Бунинг ёнига 202 та янги замонавий мактаб, 83402 ўринли болалар боғчалари, 10 минг 268 ўринли шифохоналар, 21100 ўринли поликлиникалар қурилди. Аҳоли 1960 йилда 819,1 миллион киловатт-соат электр қувватини сарфлаган бўлса, бу рақам 1985 йилда 5 миллиард 340 миллион 200 минг киловатт соатни ташкил этди. Жамоат транспортида йўловчилар ташиш 2,1 марта кўпайди. Энг муҳими Ўрта Осиёда биринчи марта қудратли метрополитен пайдо бўлди. Бундан ташқари, унинг ғамхўрлиги ва ишбилармонлиги туфайли Тошкентда еттита янги олий ўқув юрти ташкил этилди ва уларнинг умумий сони 24 та бўлди ва айни чоғда бу билим даргоҳларининг барчаси учун янги ҳашаматли бинолар бунёд этилди.

Бугунги кунда Шарқ ва Ғарб ўртасида мустақиллик ва тараққиёт дарвозасига айланган Тошкент шаҳри ва унинг меҳнаткаш халқи ўзининг саховатли отаси, ўзбек миллатининг буюк фарзанди ҳурматини баркамол бажо келтиришга ҳаракат қилмоқда. Шаҳарнинг қоқ марказида шох кўча унинг номи билан аталяпти ва шу жойда марҳумга хотира ёдгорлиги ўрнатилди, Ўзбекистон саноатининг фахри бўлган тўқимачилик ишлаб чиқариш бирлашмаси, мактаб, Акмал Икромов районидаги маҳалла Шароф Рашидовнинг муборак номи билан аталмоқда.

Ўзбекистон халқи ва диёримиз пойтахти Тошкент аҳолиси унинг порлоқ хотираси олдида инсоний бурчини адо этиб, таъзим қилмоқда, ҳурматини ўрнига қўймоқда. Донишманд ва мутафаккир арбоб қолдирган маънавий ва маданий мерос республикамиз халқлари тарихининг бой хазинасидан муносиб ўрин олади, халқларимизнинг келгусидаги тараққиётида фахрий йўлдош бўлиб қолади.

САФДОШ ҲИКОЯСИ

Тошкент Молия институтига бир неча йил Ўзбекистон Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, вилоятларнинг раҳбари бўлиб ишлаган Меҳнат Қаҳрамони Бектош Раҳимов таклиф қилинди. Шароф ота ҳақида тўлқинланиб ҳикоя қилар экан, у элимизнинг асл фарзандига хос хислатлар бугунги кунимиз, қолаверса, келажак авлод вакилларига ҳам насиб этишини ният қилди. Миннатдор замондошларимиз халқ ўғлонининг тўйини муносиб нишонлаётганидан чексиз ҳурсандлигини билдирди. Учрашувда институт ректори М. Шарифхўжаев ҳам ўз хотиралари билан ўртоқлашди.

М. УСМОНОВ,
Тошкент Молия институти кафедраси мудири.



Шароф Рашидов беминнат меҳнат — шанбалик кунлари метро қурилишида келиб ишлар эди.
Суратқаш: Ш. ИБРОҲИМОВ.

ЮРТБОШИЛАРНИНГ ХАЙРЛИ ИШЛАРИ ҚУРГАН БИНОЛАРИДА ҚОЛАДИ

Шароф Рашидовнинг Тошкент зилзиласи оқибатларини тугатиш ва янги Тошкентни барпо этиш йилларида амалга оширган раҳбарлик ҳамда ташкилотчилик фаолияти ҳақида сўзлаб беришни ўша йиллари «Тошкент бинокори» рўзномасига муҳаррирлик қилган, хслклар дўстлиги, бинокорлар матонатини ўнга яқин илмий-оммабоп китобчаларида тараннум этган ҳамкасбимиз, тарих фанлари номзоди Шуҳрат ҚОСИМОВдан илтимос қилдик.



— 1966 йил баҳоридаги зилзила оқибатларини тугатиш тадбирлари орасида «Тошкент оқшоми» ва «Тошкент бинокори» рўзномаларини чиқариш ҳам бор эди. Ўша йиллари Шароф Рашидов Тошкентни қайта тиклаш ишига Бутуниттифоқ бинокорларини ҳатто хориждаги баъзи мамлакатларни ҳам сафарбар этишга муваффақ бўлди.

Қисқа вақт ичида пойтахтимиз улкан қурилиш майдонига айланиб кетди. Темир йўл бекатлари, омборлар дўстлардан келган бинокорлик материалларига тўлиб-тошди. Зилзила оқибатларини тугатиш истагида бўлган кишилар умумхалқ ҳашарига кела бошладилар. Бошпанасиз қолганлар бир ярим йилга ҳам бормай уй-жой билан таъминландилар. Ўша йилнинг биринчи сентябрида мактаб ва олий ўқув юртларида машғулотлар ўз вақтида бошланди. Уч йил деганда Тошкент қайтадан қуриб деярли битказилди. Масалани кўндаланг қўйган Шароф Рашидов марказни оёққа турғазди. Умумиттифоқ фондидан катта маблағ ундирилди. Ўзингиз ўйланг. Ҳозир пулга ҳам топилмаётган ёғоч-тахта, темир ва бошқа бинокорлик материалларини теппа-текинга келтириб беришса, яна иморатларни текинга қуриб, калитини топширишса! Бу ишлар ўз-ўзидан бўлмади, албатта. Бунинг заминида катта сиёсат ва оқилона ташкилотчилик санъати ётади.

Менимча, Шароф Рашидов икки нарсага асосий эътиборни қаратарди. Бири — дўстлик, халқлар дўстлиги! Вазифа тақозоси билан у кишининг маърузаларини кўп марта тинглашга тўғри келарди. Ана шу маърузаларнинг деярли ҳаммасида халқлар дўстлиги, дўстликнинг куч-қудрати ҳақида гап борарди. «Қушнинг кучи — қанотида, инсоннинг кучи — дўстлигида», деган гапни кўп такрорлардилар. Иккинчи эсда қоларли жиҳатлари — қурилишга ғамхўрлик. Республиканинг барча шаҳар ва қишлоқларида, албатта, бириккита қурилиш объекти у кишининг назорати остида бўлар, у ерга бот-бот бориб, бинокорлар ҳолидан хабар олиб турардилар. Қаерда бўлмасин мактаб, болалар боғчалари, жамоат бинолари фойдаланишга топширилаётган бўлса, ўша ерда Шароф Рашидов ҳозир турардилар.

Умумхалқ байрамлари, катта саналар арафасида чала қурилишларни битириб олишга ундардилар. Байрамолди тараддуди баҳонаси билан анча-мунча бунёдкорлик ишлари ниҳоясига етиб қоларди. Бу ўзига хос анъанага айланиб кетган эдики, ана шу фойдали тадбирни ҳамма вақт қўлласак зарар кўрмасдик.

Ғоят фаришталик одам эди, раҳматлик! Бўй-басти баланд, йигитлардек норғул, оддий, лекин ўрнига қўйиб кийинар эди. У кишининг борлиғидан зиёлиларга хос файзу тароват уфуриб турар, майин, ёқимли сўзлардилар. Катта-кичик йиғинларда босиқ маъруза қилар, сафарда бўлганларида одамлар билан ғоят самимий ва мулойим сўзлашардилар. У кишининг дарғазаб бўлганликларини кўрмаганман. Гоҳо қуйиб-пишиб сўзлаганларида ҳам одамларни инсофга, диёнатга, ҳамжиҳатликка даъват этардилар. Дарғазаблик, жеркиш, заҳарханда қилиб гапириш у кишига бегона эди.

Шароф Рашидов бинокорликни нозик дид билан тушунарди. Шаҳар бош режалаш маҳкамасидами, катта биноларнинг макети муҳокамасидами, бирор бир янгилик билан ишга файз киритиб юборганларининг шоҳиди бўлганман. У ёки бу жамоат биноси қаерга ва қандай қурилиши кераклиги, бино баландлиги, олд кўриниши қанақалигини сўраб-билиб, албатта, бирор қўшимча қилганларида мана мен деган меъморлар ҳам тан берарди.

Ўзбекистон телевидениеси маркази қурилиши битиш арафасида у ерга бориб қолдилар. Кираверишдаги саҳнни кўриб, мамнуният ҳосил қилмадилар — нимасидир ёқмади у кишига. Фойенинг шифти пастлиги, кирган меҳмоннинг дарҳол кўнгли ёришиб кетмаслигини тушунтирган бўлдилар. Шунда бошқарма бошлиғи қайта безаш учун анчагина маблағ сарф бўлишини айтганда, у киши: «Яхшилаб безай беринглар, пул топилади», дедилар. Шундан кейин телемарказга кираверишга ана шундай файзли, ганч ўймакорлиги ва мармардан қайта ишланиб, бу гўзал қиёфани касб этди.

Пойтахт марказини қандай қуриш кераклиги ҳақида алоҳида ғамхўрлик қилардилар. Пойтахтимизнинг марказий майдони ҳозирги муҳташам ва сервиқор ҳолатда бўлишида Шароф Рашидовнинг хизмати алоҳида.

Вақт адолатли ва жуда кучли ҳамки, ҳамма нарсани вақти соати билан жой жойига қўяди. Соҳибқирон Амир Темурни чоракам бир аср ёмонладик. Бугун яна унинг номи тилларда достон.

Тарихий шахсларга баҳо беришда уларнинг халқ бахт-саодати, эл-юрт ободончилиги йўлида чеккан заҳматлари ҳисобга олинади. Амир Темурдек буюк саркарда ҳам юртбошиларнинг қилган ҳайрли ишлари қурган биноларида қолади, деб бежиз айтмаган. Бошқа хизматларини бир ёққа қўйиб Шароф Рашидовнинг бинокорлик жабҳасидаги ишларининг ўзини олганда ҳам номи тарихга зарҳал ҳарфлар билан битилса арзигулиқдир.

Йиллар ўта Тошкентнинг қайта барпо этилиши тарихи Шароф Рашидов номи билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ифода этилаверади.

Шуҳрат ҚОСИМОВ.





ОТА ИШТИРОК ЭТГАН ТАДБИРЛАР

Шароф Рашидов нафақат шоир, ёзувчи ва публицист балки ўз даврининг йирик сиёсий арбоби, республика ва халқаро миқёсдаги тадбирлар ва анжуманларнинг ташаббускори ҳам эди. Қуйида унинг фаол иштироки ва ташаббуси билан бўлиб ўтган муҳим сиёсий, адабий ва маданий тадбирлардан баъзиларини ёдга олиб ўтамиз:

● Атоқли шоир Ҳамид Олимжоннинг вафотига беш йил тўлиши муносабати билан ўтказилган адабий кеча. Кечада ёзувчи Шароф Рашидов доклад қилди. 1949 йил, 3 июль, Тошкент.

● А. Навоий номидаги опера ва балет театрида Ғ. Ғуломнинг 50 ёшга тўлишига бағишланган юбилей кечаси. Юбилярни ЎзССР Олий Совети Президиумининг Раиси Шароф Рашидов табриклади. Тошкент, 1953 йил, 25 май.

● А. Навоий номидаги опера ва балет театрида Ойбекнинг 50 ёшга тўлганига бағишланган тантанали юбилей кечаси. Унда юбилярни партия ва ҳукумат номидан Шароф Рашидов табриклади. Тошкент, 1955 йил, 31 май.

● Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг Тошкент конференцияси. 1958 йил 7—13 октябрь. Тошкент конференциясида Осиё ва Африканинг 37 мамлакатидан келган 204 адабиётчи ҳамда Европа ва Америкаанинг 13 мамлакатидан келган 22 меҳмон қатнашди. Ўшанда Шароф Рашидов Комитетга раис қилиб сайланди.

1.

● Ўзбекистонда Украина адабиёти ва санъати декадаси, Тошкент, 1959 йил, 5—15 октябрь.

● Ўзбекистонда Озарбайжон адабиёти ва санъати ҳафталиги, Тошкент, 1960 йил, 20—27 январь.

● Ўзбекистонда Қозоғистон адабиёти ҳафталиги. Тошкент, 1960 йил, 6—13 сентябрь.

● Ўзбекистонда арман адабиёти ва санъатининг ҳафталиги. 1961 йил, 20—27 ноябрь.

● Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари билан алоқа ўрнатиш Совет комитетининг мажлиси. Тошкент, 1964 йил, 12 февраль.

● Ўзбекистон ёзувчилари, композиторлари, кинематографларининг қўшма пленуми. Тошкент, 1964 йил, 3 июль.

● Ўзбекистонда Украина адабиёти ва санъати декадаси. Тошкент, 1965 йил 20—30 май.

● Ўзбекистон ёш ёзувчилари семинари қатнашчиларининг Ўзкомпартия Марказий Комитетининг биринчи котиби Шароф Рашидов билан суҳбати. Тошкент, 1965 йил, 17 сентябрь.

● Ўзбекистонда Белорус адабиёти ва санъати декадаси. Тошкент, 1966 йил, 16—22 апрель.

● Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари бирдамлиги биринчи конференцияси. Гавана, 1966 йил, январь (Совет делегацияси раҳбари).

● Ўзбекистонда Туркманистон адабиёти ва санъати декадаси. Тошкент, 1966 йил, 12—22 ноябрь.

● Ўзбекистонда Венгрия маданияти декадаси. Тошкент, 1967 йил, 16 май.

● Ўзбекистонда Ҳиндистон маданияти декадаси. Тошкент, 1967 йил, 12—22 август.

2.

ЖАҲОН МАДАНИЯТ АРБОБЛАРИ:

Шароф Рашидов туфайли, унинг ташаббуси билан ўтказилган турли халқаро адабий учрашувлар сабаб бўлиб, Ўрта Осиё ва Қозоғистон адабиётлари кенг тарғиб қилинди, энг яхши намуналари хорижлик дўстларимиз тилларида ўқилаётир. Бунинг учун миллий адабиётлар вакиллари ундан чексиз миннатдордирлар.

Чингиз АЙТМАТОВ.

* * *

Шароф Рашидов асарларини биз ҳам ҳамма вақт қизиқиш билан ўқиймиз. Ва, катта бир республиканинг раҳбари бўла туриб, ташвишлари кўп бўлишига қарамай, шундай мароқли қисса ва романлар ёзишга улгурганига қойил қоламиз. Бадиий маҳоратнинг ўзига хос кўзгуси бўлган бу асарларнинг умри узоқдир.

Файз Аҳмад ФАЙЗ.

МЕТРО ЎЗ-ЎЗИДАН ҚУРИЛМАГАН

«Метрони лойиҳалаш ва қуришга розилик берилди!» Бу гапни Шароф Рашидов Москвадан туриб телефонда қаяжон билан, севинчдан энтикиб айтган эди.

...1971 йил 16 ноябрь нафақат метрочилар, балки барчамиз учун тарихий сана бўлиб қолди. Чунки 15 йилдан буён миллионлаб кишиларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилаётган, қолаверса, энг қулай ҳисобланган метрони қуриш ва лойиҳалашга амалий киришиш ўша куни расман ўз тасдиғини топганди.

Шароф Рашидов бу масала ҳал бўлгач, хушхабарни Тошкентга тезроқ етказиш илинжида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси мажлиси ўтаётган хонадан чиқиб, метро қурилишидан халқ ҳам хабар топсин, деган ниятда қабулхонадан туриб қўнғироқ қилган.

Эртасига у тўппа-тўғри метро қурилиши ҳақида рамзий белги қўйилган Халқлар дўстлиги ва Волгоград шоҳ кўчалари кесишган жойга келди. Бу ерда йиғилганларни хурсанд ҳолда янгилик билан табриклади.

Аслида, метрони қуриш иштиёқи 60-йилларда пайдо бўлган эди. Бироқ асосий умид учқуни 1966 йил январда ялтиради. Ҳиндистон—Покистон давлатлари ўртасидаги урушни тўхтатиш сулҳ-битимини тузишга ўшанда бу икки давлат раҳбарлари — Л. Б. Шастри ва М. Аюбхон Тошкентга келишган эди. Учрашувда ўша вақтдаги СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин қатнашганди.

Танаффус пайти ўзаро суҳбатда Шароф Рашидов яна метро қуриш масаласини ўртага ташлайди. Шунда Л. Б. Шастри ҳам: «Шундай гўзал шаҳарга метро жуда зарур», дея Шароф аканинг фикрини қувватлайди. А. Н. Косигин эса «Зарур ҳужжатларни тайёрлаб Марказий Комитетга чиқинглар», деган жавобни айтади.

Ҳужжатлар тайёрланаётганда Тошкентда ер қимирлаб қолди. Эл бошига кулфат тушди. Мусибатни бартараф этиш чораларини кўриш мақсадида Л. И. Брежнев ва А. Н. Косигинлар Тошкентга келишди.

Бу учрашувда ҳам метро қуриш ҳақида гап бўлди. «Метро қурилади. Аммо, дастлаб вайроналар тикланиши керак»,— деган хулосага келинди.

Шунга кўра Тошкент қайта тикланаётганида метро йўли ўтадиган жойларга янги иншоот қурилмади.

Метро қурилишига асосан 1972 йили киришилди. Юқорида айтганимиздек, бу масала хусусида Марказий Комитетнинг 1971 йил 16 ноябрдаги махсус қарори чиққан эди.

Бир куни Шароф Рашидов метро қурилиши трести бошқарувчиси Павел Васильевич Семенов иккимизни чақириб қолди.

— Метрополитен беш-ўн йиллик иншоот эмас. Шу боис уни ниҳоятда чиройли, ўта мустаҳкам, жуда сифатли қилиб қуринглар. Келажак авлод тағин бизнинг устимиздан қулиб юрмасин. Метро қурилиши энди бошланди. Аммо у тўхтамайди. Неча йил қурсанглар ҳам шунга эътибор қилинглар, метронинг иккита бекати бир-бирига сира ўхшаб қолмасин. Ҳар бир бекатни номига, шароитига яраша безак билан жиҳозланглар,— деганди у ўшанда.

Мана бугун ўша маслаҳат рўёбга чиққанини кўриш мумкин: мавжуд бекатларнинг бирортаси иккинчисини такрорламайди. Барчасида ўзига хос жиҳоз, турли хил безак мужассам. Бир-биридан чиройли ва кўркам.

Айтгандай, Шароф ака ҳар бир йўналишнинг безак материаллари турли хил маҳсулотлардан тайёрланиши зарурлигини уқтирган эди. Дарҳақиқат. Чилонзор йўналишидаги бекатларга асосан гранит ва мармардан ишлатилган. Жами 30 минг квадрат метр гранит ва мармар сарфланди. Ўзбекистон йўналиши эса керамика билан ойнадан қурилди. Янги қурилаётган Юнусобод йўналишига эса махсус ойнасифат материал ишлатмоқчимиз. Қисқаси, Тошкент метрополитени Шароф Рашидовнинг бевосита ва билвосита ташаббуси, назорати остида қурилди.

Тошкент метроси бамисоли Шароф Рашидовга қўйилган рамзий ҳайкал бўлиб қад ростлаб турганини ўйласам, у кишининг яна бир гапи хотирамга келади:

— Сизлар бу қурилишни ҳеч ўз холига ташлаб қўйманглар. Қаердаки, қурилиш қаровсиз ҳолга тушиб қолса, ўша ерда узилиш пайдо бўлади. Доимий назоратни унутманглар,— деган маслаҳатлари ҳали-ҳали эсимда.

Афсус, бу сўзлар бугун бизга у кишидан васият бўлиб қолди. Васиятга амал қилиш эса бизнинг виждоний бурчимиз. Қолаверса, олий ҳимматли, ажойиб ҳислатли, қўркам фазилатли бу инсондан метросозлар қарздордирлар. Шу боис биз, метрочилар жамоаси хоҳиширодасини инобатга олиб, Тошкент шаҳар ҳокимиятига мурожаатнома йўлладик. Истагимиз — Тошкент метроси Шароф Рашидов номи билан аталса.

Шоинят ШОАБДУРАҲИМОВ,
Тошкент метрополитени бошқармаси бошлиғи.



БИРИНЧИ ҒИШТИНИ ҚЎЙГАНДИЛАР



Кеча Ш. Рашидов таваллудининг 75 йиллиги Тошкентдаги 243-мактабда катта байрам билан нишонланди. Билим масканининг биринчи ғиштини атоқли арбобнинг ўз қўли билан қўйганлиги тантана иштирокчиларн томонидан кўп бор такрорланди. Санъаткорлардан М. Абдуқундузов, Л. Саъдуллаев, М. Дадабоева, дуторчи қизлар дастаси ва мактаб бадиий ҳаваскорлари ўз маҳоратларини намойиш этдилар.
Суратқаш: Е. БОТИРОВ.

ТАБАРРУК ВА ЎЧМАС ИЗЛАР



ПОЙТАХТ ЧЕҲРАСИДАГИ ЯРАШИҚЛИ ХОЛ

РЕСПУБЛИКАМИЗ пойтахти Тошкентнинг ривож топиб, замонавий шаҳарлар қаторига қўшилишида эл севган раҳбар Шароф Рашидовнинг муносиб ҳиссаси бор. Мен лойиҳачи-меъмор сифатида Шароф аканинг бевосита раҳбарлигида Тошкентда барпо этилган барча йирик қурилишларда қатнашганлигимдан фахрланаман.

Эсимда. 1966 йилги зилзиладан кейин Тошкентда йирик қурилишлар бошланиб, пойтахт жамоли бутунлай ўзгариб кетди. Ўшанда бу ишларга Шароф Рашидович бош-қош бўлган эдилар. Бир нарса хотирамда абадий муҳрланиб қолган. Тошкентда «Халқлар дўстлиги» майдони қурилиши бошланиши олдидан Шароф Рашидович мени ўз ҳузурига чақириб (ўшанда мен шаҳар бош архитектори бўлиб ишлардим) «Собиржон, келинг ҳаётлик пайтимизда Тошкентда янги ўнлаб майдонлар ташкил қилайлик, бизлан халқимизга эсдалик қолсин. Лойиҳалаш ишларига сиз етакчилик қилинг. Бу ишда мен сизга ҳамиша яқин ёрдамчи бўламан», дедилар.

Шу-шу бўлдию, хайрли тадбир бошлаб юборилди. Биз, лойиҳачилар барча янги майдонлар лойиҳалари билан у кишини таништириб бордик. Бир гал Шароф Рашидович Фурқат кўчаси билан лойиҳадаги Халқлар дўстлиги кўчаси (бу кўча номини у киши таклиф этганди) кесишган ерда жойлашаётган янги майдон ҳақида сўраб, бу ерда қуриладиган иншоот билан қизиқиб қолди. Лойиҳачилар шартли равишда бу жойда маданий марказ қуришни таклиф этаётганларини айтганимда, тўсатдан сўраб қолди: «Сиз Иттифоқдаги қайси концерт залларида бўлгансиз?» Мен Ленинград ва Киевда деб жавоб бердим. «Ундай бўлса, айтинг-чи, ўша иншоотларнинг қайси томонлари сизга ёқмаган?» Ленинград ва Киевда концерт залларига яхши жой танланмаган, дедим.

«Фикрингиз ўринли, эртага Москвага учишга тайёрланинг. Мен у ёққа қўнғироқ қилиб қўяман. Сизни кутиб олиб, Олий Кенгаш мажлислар зали, Россия меҳмонхонасидаги концерт залини ва бошқа маданий иншоотларни кўрсатишади. Кейин Тбилисига борасиз. У ердаги консерваторияни, Ереванда эса спорт комплексини кўриб қайтасиз. Дарвоқе, Олмаотадаги спорт комплексини кўрган бўлсангиз керак. Хуллас, бу иншоотларни яхшилаб ўрганинг. Энг яхшиси ушбу бинолардан фойдаланаётган кишилар билан суҳбатлашинг, шунда мазкур объектларнинг камчилик ва нуқсонларидан, ижобий томонларидан тўла хабардор бўласиз».

Эртаси куни Иттифоқ бўйлаб командировкага жўнадим. Қайтгач, Шароф Рашидовичга Марказий Қўмита котибияти аъзолари ҳузурида тўлиқ ҳисобот бердим. Айтиш керакки, бундай учрашувлар пайтида у киши барча котибият аъзоларини тўплар эди. Шароф Рашидович ахборотимни тинглаб бўлгач, «Сизга янги майдон комплекси лойиҳасини ишлаб чиқишни топширамиз,— дедилар.— Бу майдон марказида йирик концерт зали жойлашуви керак. Биз бу залда конгресслар, халқаро кинофестивалларни, учрашувлар, қурултойлар ўтказамиз ва чет эл ижодий жамоаларини қабул қиламиз. Неча кишига мўлжалланган бўлишини мутахассислар билан биргаликда ҳал қилинг. Яхшиси, Ленинграддаги Октябрь залидан кам бўлмагани маъқул.

Лойиҳани Иттифоқдаги етакчи меъморлар билан ҳамкорликда ишлаб чиқинг. Шунда марказ билан бу масалада келишиш осон бўлади. Ўртоқ Н. Ж. Худойбердиев қурилиш ва лойиҳалашни маблағ билан таъминлашни ҳал қилиб беради. А. А. Хўжаев бошчилигида штаб ва унинг аъзолари тузилади. Комплекс қурилишига уч йил муддат берилади. Боиси — биз партия XX съездини шу катта залда ўтказишни ният қилиб турибмиз. Келинглар, янги қурилажак майдонга «Халқлар дўстлиги» номини берамиз. Бу Тошкентни тиклашда барча қардош республикалар қатнашганлигининг рамзи бўлиб қолсин».

Шундай кейин хайрли тадбир йўлидаги ишлар қизғин бошлаб юборилди. «Халқлар дўстлиги» майдони кўзда тутилган муддатда қуриб битказилди. У ҳақиқатан пойтахт юзига ярашиқли ҳол бўлиб тушди. Майдон марказида 4400 ўринли катта сарой ҳам барпо этилди. Кейинчалик бу ерда партия XX съезди ва бошқа бир қатор маданий тадбирлар ўтказилди. Майдон атрофида бир неча кўп қаватли бинолар қуриб битказилиб, ўн минглаб кишилар янги хонадонларда уй тўйларини нишонладилар. Энг қувончлиси, жуда катта хайрли иш қисқа муддатда амалга оширилди.

Шароф Рашидович бу объект қурилиши жараёнида барча ишларга бош-қош бўлиб, доимо қурувчилар аҳволидан хабардор бўлиб турганлигини бу ерда ишлаган кўпчилик бинокорлар яхши эслашади. Иншоотни маблағ билан таъминлаш масаласида у кишининг шахсан ўзи Москвага, олий даражадаги раҳбарларга ўнлаб марта сим қоққан. Л. И. Брежнев ва А. Н. Косигиндан бинони етарлича маблағ билан таъминлаш тўғрисида қайта-қайта ёрдам сўраган эдилар.

Дарвоқе, ўша пайтда бирон бир йирик қурилишни бошлаш учун аввало Москвадан рухсат олиш керак эди. «Халқлар дўстлиги» саройи қурилиши ҳам Шароф Рашидович аралашгандан кейин Марказ рухсати билан бошлаб юборилганди. Дастлаб бу қурилишга 5 миллион сўм ажратилди. Кейинчалик бу маблағ ўн миллион сўмга оширилди. Москвага қайта-қайта қўнғироқлардан сўнг қурилиш ҳажми 15 миллион сўмга етказилди. Республика бюджетидан ҳам қурилишга 15 миллион сўм сарфланди.

Гапнинг очиғи, ўз элини, пойтахтини жон дилидан севган раҳбарнинг жонкуярлиги туфайли Тошкентда эски Иттифоқда тенги йўқ шундай йирик иншоот барпо этилди.

Эсимда, Тошкентга А. Н. Косигин келганда, у бу майдонни ҳам бориб кўрди. Мен бу ердаги учрашувда А. Н. Косигинга баъзилар бизларни иншоот учун кўп маблағ сарфлаганликда айблашяпти, деганимда, у ушбу бино давлатга қанчага тушганидан қатъи назар, себаҳодир, деди. Ўшанда Шароф Рашидович марказ олий мартабали раҳбарининг бундай жавобини эшитиб жуда хурсанд бўлгандилар.

Мана, умр — оқар сув, деганлари рост экан. Бугун эсласам, мен Шароф Рашидович раҳбарлигида қарийб 16 йил ишлаган эканман. Бу даврда Тошкентда йирик иншоотлар барпо этилиб, пойтахт чиройига чирой қўшилди. Дарвоқе, Шароф Рашидович қурилишга, қурувчиларга бефарқ қарамас эдилар. Айрим лойиҳаларни меъморлар билан биргаликда муҳокама қилиб, фойдали таклифларни ҳам айтиб турардилар. Қурувчилар бундан доимо миннатдор бўлишарди.

Собир ОДИЛОВ,
Ўрта Осиё меъморчилик-шаҳарсозлик илмий тадқиқот ва лойиҳалаш институти директори, халқ меъмори, профессор.



Бугунги Тошкент манзаралари.

Бизнинг битмас-туганмас қудратли ҳаётбахш кучимиз дўстликдадир. Шарқ халқларида асрлар давонидан ошиб, тилдан-тилга ўтиб келган ажойиб ҳикматли афсона бор: Бир донишманддан сўрашибди: «Олтиндан қиммат нима бор?», «Дўстлик» дебди донишманд. «Темирдан қаттиқ нима бор?» сўрашибди ундан. «Дўстлик» деб ҳитоб қилибди донишманд. Халқимиз чин дўстликни ана шундай ардоқлайди ва қадрлайди.

Шароф РАШИДОВ.

ДЎСТЛИК ФИДОЙИСИ ЭДИЛАР

САКСОН иккинчи йилнинг йигирма олтинчи майи тонг отарида шивалаб ўтган ёмғирдан сўнг чарақлаб қуёш чиқди. Яқингинада қад ростлаган муҳташам Халқлар дўстлиги саройи атрофига шаҳарнинг ҳар тарафидан одамлар оқиб кела бошлади. Чет эллик меҳмонлар — VII Тошкент кинофестивалининг қатнашчилари, Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари тараққийпарвар, демократик кино санъати атоқли намояндалари ҳам бу ерга ташриф буюришган. Мусаффо тонг палласида Халқлар дўстлиги майдони ўртасида «Инсон меҳрига ҳайкал» очилди. Уни шу монументни яратиш ташаббускори, давлат ва жамоат арбоби Шароф Рашидович Рашидов очгандилар... «Бу— Ўзбекистон оналари улуғлиги ва саҳий қалбини тараннум этувчи монументдир, шонли ғалабамизга қўйилган яна бир ёдгорликдир», дея таъкидлагандилар ўшанда.

Адамлар ҳаёт бўлганларида Шароф Рашидовдек Ҳазрати Инсоннинг 75 йиллик таваллуди, айниқса, у кишининг ўз халқига «қайтиб келгани» ғанаталаридан чексиз фахр ва севинч ҳисларига ғарқ бўлиб, кўп ёдномалар битган бўлар эдилар.

Агар кишилар ўртасида дўстлик, оға-иничиликнинг энг муқаддаси, энг мусаффоси, энг беғубор ва энг олиймақомининг шакл-шамойили қандай бўларкин десалар биз фақат ёзувчи Раҳмат Файзий билан давлат арбоби, ёзувчи Шароф Рашидов ўртасидаги дўстлик, оға-иничилик муносабатлари ҳақида гапирган бўлар эдик. Бу икки мўътабар Инсонларнинг дўстлиги қоғозга тушириб ифодалаб бўлмайдиган, сўз билан ёзиб тугаллаш қийин бўлган чинакам ҳаётий дўстлик эдики, худди шу нарса уларнинг ижодлари мағизига ҳам сингиб кетганди.

Адамлар хизмат тақозосидан Шароф аканинг ҳузурларида кўп бўлардилар. У кишининг қабулидан қайтганларида биз Адамларни янгидан қанот пайдо қилган кишидек кўрардик. Ҳар сафар бир оғиз гапни қайта-қайта такрорлардилар. «Шароф ака билан гаплашиб ўтириб, у кишига тикилиб туриб ҳайратга тушаман, уларнинг билмаган соҳалари йўқ. Ҳамма соҳанинг академиги бўлиб кетганлар. Ўзиям отнинг калласидек юраклари бор-да, бу одамнинг. Шароф акадек Инсонлар юз йиллар мобайнида дунёга битта келади. Суҳбатлашиб туриб қўрқиб кетаман, худоё бахтимизга бошлари тошдан бўлсин» дердилар.

Ана шундай учрашувларнинг бирида Адамлар бир баҳори кам саксонни қоралаган, асарларининг прототипи бўлган, падари бузрукворларидек улуғлаган инсон Шоаҳмад ака Шомаҳмудовнинг вафот этганларини эслаганлар-у, дилларида тугиб юрган бир фикр тилларига кўчган. «Шароф ака, бу табаррук зотни ўзлари яшаган, макон қилган ўша Кўкча даҳасидаги кўзга кўринарли ерга дафн қилинганда, кекса-ю ёш ҳамма учун яхши бир зиёратгоҳ бўлиб қоларди да...», деганлар. Ҳамфикрлидик шу даражада бўлса керакки, Адамлар ўз ички ҳис-туйғуларини сўз билан ифода қилиб улгурмаёқ, Шароф ака мамнуният билан мулойим боқиб, «Ҳа, дўстим, тўғри айтасиз. Биз шундай иш қилишимиз керакки, инсон меҳрини, халқлар дўстлигини эъзозлашимиз, ардоқлашимиз бутун жаҳонга манзур бўлсин», деган эканлар.

Навбатдаги яна бир учрашувда бўлажак Халқлар дўстлиги майдонининг тавсифини эшитиб келган Адамлар Шароф аканинг «Биз бундай инсонларга ҳайкал ўрнатамиз, уларнинг жасорати ҳар қандай улуғлашга арзийди, дўстим. Шундай ажойиб обида яратайликкки, минг-минглаб ана шундай ўзбек оилаларининг жасорати умумлашма шаклда ифодаланган бўлсин. Буни, албатта, қиламиз дўстим. Бу бизнинг шундай инсонларга таъзимимиз ифодаси, қолаверса бу бизнинг улар олдидаги ҳам қарзимиз, ҳам фарзимиз ифодаси, қолаверса бу бошлари кўкка етиб, севинчларини сиғдиролмай, опамларга Шароф аканинг ана шундай улкан ёдгорликни бунёд этишга жазм қилганидан ҳайратга тушганларини сўзлаб бергандилар.

Дилбар ФАЙЗИЕВА,
филология фанлари номзоди.

ОТА ИШТИРОК ЭТГАН ТАДБИРЛАР

● Ўзбекистон санъати ва адабиёти ҳафталиги. Нукус, 1967 йил, 18—25 август.

● Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари Тошкент конференциясининг 10 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали халқаро мажлис. Тошкент, 1968 йил, 24 сентябрь.

● Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари биринчи халқаро Тошкент кинофестивали. Тошкент, 1970 йил, унга 49 мамлакатдан 328 иштирокчи ва меҳмон ташриф буюрди.

● Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари иккинчи халқаро Тошкент кинофестивали. Тошкент, 1972 йил, унда 62 мамлакатдан 500 га яқин кинематография ходимлари иштирок этди.

● Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари учинчи халқаро Тошкент кинофестивали. Тошкент, 1974 йил, унда 70 мамлакатдан 300 дан ортиқ вакил ҳозир бўлди.

● Осиёда тинчлик ва коллектив хавфсизлик учун кураш — ҳозирги замонининг энг муҳим вазифаси мавзусидаги халқаро учрашув. Самарқанд, 1974 йил, 25 сентябрь.

● Уч қитъа мамлакатлари тўртинчи халқаро Тошкент кинофестивали. Тошкент, 1976 йил, унда 82 мамлакатдан вакиллар иштирок этди.

● Осиё ва Африка мамлакатлари ёш ёзувчиларининг учрашуви. Тошкент, 1976 йил, сентябрь.

3.

● Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари Тошкент конференциясининг 20 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали халқаро мажлис. Тошкент, 1978 йил, октябрь.

● Уч қитъа мамлакатлари бешинчи халқаро Тошкент кинофестивали. Тошкент, 1978 йил, унда жами 85 мамлакат ва тўртта халқаро ташкилот иштирок этди.

● Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари олтинчи халқаро Тошкент кинофестивали. Тошкент, 1981 йил. Уйда 100 га яқин мамлакат ва тўртта халқаро ташкилот иштирок этди.

* * *

Юқорида санаб ўтилган ранг-баранг тадбирлар рўйхатини ҳали давом эттириш мумкин. Чунки у республикага раҳбарлик қилган узоқ йиллар давомида Беруний, Ибн Сино, Улуғбек, Бобур, А. Навоий, Мунис, Огаҳий, Фурқат, Ҳамза сингари истеъдод соҳибларининг, Самарқанд ва Тошкент шаҳарларининг улкан тўйларини ўтказишга бошчилик қилди. Унинг бевосита раҳбарлиги ва бошчилигида Пушкин, Некрасов, Гоголь, Маяковский, Горький, Шевченко, Ш. Руставели, Я. Колас, Я. Купала каби ўзга халқлар адабиётн намояндаларининг юбилейларн ҳам нншонланди. Бундан кузатилган асосий мақсад энг, аввало, дунё халқларн ўртасндаги дўстлик ришталарнни янада мустаҳкамлашга, меҳру оқибат ва эзгуликни тарғиб этишга қаратилганди.

Шуҳрат МИР-ҒИЁС ўғли УСМОНОВ.

(Муаллифнинг илтимосига кўра қалам ҳақи Шароф Рашидов фондига ўтказилади).

4.



• *Бир сурат тарихи*

ЭНГ ҚИММАТЛИ ЁДГОРЛИК

КЕЧ куз кунларининг бири. Тўсатдан иш жойимга Ўрта Осиё медицина-педиатрия институти ректори профессор Вали Мажидов қўнғироқ қилиб қолди. У менга: «Марказқўмнинг биринчи секретари Шароф Рашидовнинг қабулхонасидан телефон қилишди. Қабулхона хизматчиси Эргаш Иброҳимовга қўнғироқ қилар экансиз»,— деди.

Бу мен учун ҳеч кутилмаган хабар эди. Қабулхонага қўнғироқ қилдим. Эргаш Иброҳимов мен билан илиқ саломлашганидан сўнг яқин кунларда Шароф Рашидовнинг қабулхонасига етиб келишимни айтди. Эртасига у ерга бордим.

— «Онангизнинг Шароф Рашидовга йўллаган аризаларидан хабарингиз борми?», — деб сўради Э. Иброҳимов ва менга ўша хатни узатди.

Унда онам 37 йилдан бери Тошкент шаҳри Қоплонбек кўчасидаги 19-уйда яшаб келаётгани, бу уй Куйбишев (ҳозирги Мирзо Улуғбек) район ижроия комитети ходимлари айтишича яқин кунларда бузилиши ҳақида ёзилган эди. Онам шу уйни бузмасликни илтимос қилган эканлар. Бу арзномани ўқиган Шароф ака онам билан шахсан ўзлари учрашиб, суҳбатлашиш истагини билдирибдилар.

Орадан бир неча кун ўтди. Шароф ака қабулхонасидан менга яна қўнғироқ бўлиб қолди.

— «Дўхтир, онангизни Шароф Рашидович эртага соат 11 ларда Марказқўмда қабул қилишларини айтдилар. Сиз ҳам онангиз билан бирга келинг. Мен машина юбораман», — деди Эргаш ака. Эртасига белгиланган вақтда машина келди ва мен онам билан Марказқўмга бордим.

Бизни Эргаш Иброҳимов кутиб олди: «Шароф ака ҳозир пахтакорларга орден ва медаллар топшириятилар. Шундан сўнг сизларни қабул қиладилар», деди у.

Дарҳақиқат, бир оз вақт ўтгач, бизни Шароф Рашидович хонасига таклиф қилишди. Биринчи қаватда жойлашган катта хонанинг тўридан Шароф Рашидов онамга пешвоз кела бошладилар. Улар диванга ўтиришди. Мен чеккароққа бориб ўтирдим.

Шароф ака онамга юзланиб:

— «Онахон, Сизнинг юборган арзномангизни ўқиб, Сиз билан бир кўришсам, деб ният қилган эдим», — дедилар.

Шароф ака райисполком ходимлари билан сўзлашганларини, уйимизни буз масдан сақлаб қолишнинг ҳеч иложи йўқлигини қуюнчаклик билан онамларга тушунтиришга ҳаракат қилдилар... Шу ерга қуриладиган янги иморатдан квартира бериш имконияти борлиги ва янги уй кексалар учун қулайлиги ҳақида ҳазил-мутойиба билан гапирдилар.

Шундан сўнг Шароф Рашидович:

— «Онахон, қандай қилиб 10 болани тарбия қилдингиз, ҳаммасини олий маълумотли қилиб вояга етказдингиз. Хатингизда кўрсатилиши бўйича, улар юртимиз учун наф келтирадиган ҳар хил соҳа мутахассислари бўлиб етишибди. Бу ишда кимнинг ҳиссаси катта? Сизними ёки марҳум Мирза аканими?», — деб сўрадилар.

Онам бола тарбиясида орттирган тажрибалари устида бироз ҳикоя қилиб бердилар. Шароф ака шу гапларни қоғозга тушириб юборишни сўрадилар. Онам: Шарофжон ўғлим, мен ёзсам араб имлосида ёзиб бераман, уни ўқиш қийин бўлади», дедилар. Шароф ака: Мен хатингизни радиода ўқитаман, телевизорга чиқазаман. Бундан буён биз оила турмушига, бола тарбиясига эътиборни кучайтириб борамиз, — дедилар.

Суҳбатнинг охирида келтирилган қоғоз қутилардаги совғаларни Шароф Рашидов онамга топширатуриб: —«Она, бу қутиларда чойнак ва пиёлалар. Мени эслаб чой ичиб юрасиз»,— дедилар ва яна «Агар соғлигингиз талаб қилса санаторийларга йўлланма учун бизга мурожаат қилинг. Бепул тўғрилаб берамиз» деб қўшиб қўйдилар.

Суратчи чақирилди. Бир неча кўринишда сурат олинди. Шароф ака билан самимий хайрлашиб, ҳузурларидан чиқдик.

Бир неча ой ўтди. 7 март, байрам арафасида онамларникига келдим. Кечки пайт бу ерга қабулхона ходими Эргаш Иброҳимов гулдаста билан кириб келди: «Ақидахон ая! Шароф Рашидович Сизни байрам билан қутлаб келишимизни сўрадилар. Мана, учрашувдаги суратлар! Эсдалик учун!».

Ҳаммамиз суратларга термулдик. Сурат орқасида ўша машҳур кўк снёҳли ручка билан битилган дастхат...

Бу суратлар биз учун ҳурматли ва азиз инсон Шароф акадан энг қимматли эсдалик сифатида оиламизда кўз қорачиғидек сақланмоқда.

Т. МИРЗАЕВ,
Тошкент медицина-педиатрия институтининг нур билан касалликни аниқлаш ва даволаш кафедрасининг мудири, профессор.

(Муаллифнинг илтимосига кўра қалам ҳақи Ш. Рашидов фондига ўтказилади).

ЖАҲОН МАДАНИЯТИ АРБОБЛАРИ:

Биргина «Кашмир қўшиғи» қиссасининг мисолидаёқ биз Шароф Рашидовни Шарқ адабиётининг улкан намояндаларидан бири сифатида кўрамиз.

ХЎЖА АҲМАД АББОС

Осиё ва Африка ёзувчиларининг алоқаларини, ҳамкорлиги ва дўстлигини ривожлантиришда Ўзбекистоннинг маданиятпарвар раҳбари ғоятда катта ҳисса қўшди.

АЛЕКС ЛА ГУМА

ХАЛҚ МЕҲРИНИ ҚОЗОНГАН ИНСОН

Элбошилар ҳақида сўз айтиш мушкул. Одил баҳо, ҳаққоний хулоса халқ томонидан айтилмас экан, унинг меъзони пуч, деб ўйлайман.

Шароф Рашидовнинг фаолияти ишчилар кўз ўнгида ҳамон гавдаланиб турибди. Уни мансабпараст айрим кишилар қоралашди. Қора фикрларини халқ номидан айтдилар. Салла деганга калла ҳадя қилмоқчи бўлишди. Барибир, мақсадларига ета олишмади. Чунки Шароф Рашидов халқ қалбига ўзининг хайрли, саховатли ишлари билан аллақачон ўрнашиб қолганди. Бошқача айтганда халқ меҳрини қозонган табаррук инсон бўлганди.

Шароф отани эслаганда беихтиёр дилинг ёришади. Фабрикамизда бўлган пайтлари ёдга тушади. Комбинатимиз иш мароми, тўқимачилик шароити билан тез-тез қизиқиб туришлари хотирага келади. Қисқаси, Шароф ота халқпарвар одам эди.

Сўнгги марта 1982 йилги шанбаликда учрашгандик. Биз билан бирга читга гул босиш цехи қурилишида қатнашгандилар. Цех биносига дастлабки ғишт қўйиб берганлари бугунгидек эсимда. Корхонамиз фаолиятидан тез-тез хабар олиб турардилар. Комбинатимиз имкониятлари кенгайишига, такомиллашган ускуналар ўрнатилишига кўп ёрдам берганлар. Юнусобод, Чилонзор, Қорақамиш мавзеларида ва Паркент районида янги филиаллар очилиши бевосита у кишининг ташаббуси билан бўлганди.

Филиаллар дастлабки маҳсулот берганда қувонганлари шоҳиди бўлганмиз. Бунинг боиси бор эди. Янги иш жойлари очилиши билан газлама тайёрлаб чиқариш кўпайибгина қолмай, уйда қолиб кетган кўплаб ўзбек аёллари иш билан таъминланганди.

Комбинатимиз тўқувчиси Дилбар Қулматова шундай хотирлайди: «У кишини қоралашганда жуда хафа бўлдим, Хафа бўлганим билан мен кимман? Қаёққа бориб, нима ҳам қила оламан». Афсус, шундай кунлар бўлганди. Илоё у кунларнинг ўтиб кетгани, энди қайтмаслиги рост бўлсин.

Ўша 1982 йили Шароф Рашидов тўқимачиларга яна бир яхшилик қилди. Комбинатдаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол билан батафсил танишиб чиқди. Шунинг натижаси сифатида март ойида Тошкент, Андижон ва Бухоро тўқимачилик комбинатларининг ишларини яхшилаш тўғрисида партия Марказий Комитетининг махсус қарори чиқди. Комбинатимизга ёрдам кучайтирилди. Ишни, шароитни яхшилаш йўлида Марказий Комитет ходимлари комбинатда ойлаб навбатчилик қилишганини эслайман. Ҳар йили ишчилар учун 300 тадан квартира ажратиладиган бўлди.

Бундай ғамхўрлик ишчиларнинг меҳнатга иштиёқини оширарди. Комбинатга янги ишчилар оқими кела бошлади. Уларнинг аксарияти ёшлар бўлиб, бугунги кунда корхонани ўшалар тебратмоқда, десам ишонаверинг.

Ота вафотидан сўнг комбинатга Шароф Рашидов номи берилди. Афсус, кўп ўтмай бу ном олиб ташланди. Ўша кунлари Дилбарга ўхшаганлар дилда алам, кўзда нам билан бўзлаб қолишаверганди.

У киши тирик бўлганда бугун 75 ёшга тўлардн. Корхонага қилган яхшиликларини эслаб, тўн кийдирган бўлармидик. Афсус бунга эришолмадик.

Шароф Рашидовни оқлаб берган Президентимиз Ислом Каримовнинг умри узоқ бўлсин.

Умрихон СУЛТОНОВА,
Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент тўқимачилик комбинати бошланғич ташкилоти котибаси.

ОҚИБАТ МАЙДОНИ

ДУНЁДА оқибат аталмиш улуғ бир туйғу бор. Баъзан унинг олдида кўпгина инсоний хислатлар ҳам майда бўлиб қолади. «Оқибатли бўлгин, болам», дейди ота ўғлига. «Оқибатдан айирмасин», дейди одамлар бир-бирларига...

— **Тошкентни бир айланиб яна ўз жойига қайтиб келган улуғ оқсоқолимиз ҳайкали пойида мен ана шуларни ўйлардим.**

Оқибатсиз бир-икки мансаб бандалари туфайли ушбу хиёбон бир муддат ҳувиллаб, эгасиз чорбоққа ўхшаб қолганди. Оқибатли инсонлар бу ҳатони тузатишди: хиёбонга яна файз қайтди. Беҳисоб юртдошларимизнинг ҳам юзлари ёришгандек бўлди...

Йўқни йўндириб бўлмайди, дейди халқимиз. Зўрни ўлдириб ҳам! Айниқса, ўзбекдай хокисор, меҳридарё ва оқибати улуғ халқ қалбидан мангу жой олган инсон — Шароф Рашидов хотирасини!

Худди шу майдончада мотам кунлари йиғлаганлар фақатгина Рашидовнинг қариндош-уруғи ёки элатдошлари эмас эди. Улар орасида туркман ҳам, тожик ҳам, ўрис ҳам ва яна бошқа кўпгина миллат вакиллари бор эди. Демак, ўша миллати ҳар хил, аммо оқибати бир хил инсонлар олдида ҳам юзимиз бироз ёришгандек бўлди.

Мен аминман, бу хиёбон, бу майдон халқимнинг севимли зиёратгоҳларидан бирига айланади. Ҳайкал пойи тўла гул, атрофи эса тўла зиёратчи бўлади. Ўшанда хатто, марҳум билан ўрин талашган мансаб бандалари ҳам бош эгиб келишади, бу хиёбонга. Билмаганнинг кўзига қараб, билганнинг олдида эса, ерга қараб ўтиради...

Шароф ота дунёдан ўтганида туғилган болакайлар ҳозир тўққиз ёшга киришди. Улар албатта, бу улуғ боболари тақдирини, босиб ўтган ҳаёт йўлини яхши билишмайди. Эҳтимол, улар учун айнан шу хиёбон бир мактаб бўлар. Оқибат мактаби. Балки: ўшанда болакайлар сўраб ҳам қолишар:

— Бобожон, нега бу ҳайкал ўша тўққиз йил бурун тикланмаган?

— О, болажоним, бунга йўл қўйишмаган.

— Ким йўл қўймаган?...

Болакайларнинг бу ўринли саволига ҳамма ҳар хил жавоб берса керак. Менга қолса, жавоб бир хил бўлиши учун алоҳида бир тахтачага ўша мансаб бандаларини номма-ном ёзиб қўйиш керак. Токи, хиёбон биз катталарга ҳам бир ҳаёт мактаби бўлсин...

Элимизнинг ардоқли оқсоқолининг жойи ҳамиша тўрда эди. Ў ўзининг муносиб ўрнини эгаллади ҳам. Шароф отанинг айнан шу жойда қад ростлаган ҳайкалини тавоб айлаб, хотирасини ёд этгани келадиганлар сафи беҳисоб бўлади, шубҳасиз.

Бу оқибатли инсон, атоқли адиб ва давлат арбобига оқибатли юртдошлари меҳру муҳаббатининг ёрқин изҳори бўлади.

Сизни алқаганлар бир халқ, бир денгиз,
Сизни қарғаганлар — «жўраларингиз»,
Сизни адо қилган— тўраларингиз
Биздан рози бўлинг руҳи нотинч зот!...

Муҳаммад Юсуф.

ҚЎЛИ ГУЛ ГУЛСАРА



Шароф Рашидов сиймосини яратишни кимлар орзу қилмаган дейсиз. Асли-ку бу буюк инсон, адиб ва давлат арбобининг нурли чеҳраси ҳар бир юртдоши, ҳар бир ўзбекнинг юрагидан жой олган...

Гулсара опа ҳам Шароф ота образини яратишга жазм этган ҳайкалтарошлардан. Шеър ёзиш бошқа. Сурат чизиш яна. Бу соҳа фидойиларига ҳам осон эмас, албатта. Аммо ҳаммага таниш ва қадрдон чеҳра сиймосини чиннига тушириш учун улкан маҳорат, сабру қаноат, тинимсиз изланиш лозим бўлади.

Яқин кунларда умумхалқ оқсоқоли сиймосини ўзбек хонадонларининг энг тўрида учратсангиз, ажабланманг. Чинни идишлар шаклидаги бу хотира-совғалар қўли гул Гулсара опанинг адиб юбилейига муносиб туҳфаси бўлади.

Айни кунларда Тошкент чинни буюмлар корхонасида тайёр совғалар жойларга жўнатилишга шай.

Феруза ИСМОИЛОВА.

СУРАТДА: ҳайкалтарош Гулсара Ражабова иш устида.

А. ТЎРАЕВ сурати.





РЕДАКЦИЯМИЗ МЕҲМОНЛАРИ

Бугун кечқурун 18.00 да атоқли давлат ва жамоат арбоби, адиб Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигига бағишлаб Халқлар дўстлиги саройида катта ҳайрия концерти бўлади. Концертда севимли хонандалар ва сўз усталари иштирок этадилар.

Ушбу концертга ташриф буюрган Андижон вилоятининг Балиқчи районидаги машҳур «Сўтақўзи гуруҳи» редакциямиз меҳмони бўлди. Гуруҳ «Ўзбекистон овози» журналистлари қошида ўзининг янги миниатюралар дастурини намойиш этди.

СУРАТЛАРДА: «Сўтақўзи гуруҳи» чиқишидан лавҳалар.

В. МОЛГАЧЕВ олган суратлар.

АРСЛОН ЎЛДИ... ДЕВЛАР ҚУТУРДИ

ЁКИ БИР МАСАЛНИНГ ЎН АЗОБИ

Минг тўққиз юз саксон тўртинчи йилнинг баҳори эди. Ёзувчилар уюшмасининг ўша пайтдаги раҳбари — Сарвар Азимов мени йўқлаб қолдилар. Ригадаги ижодгоҳда фашистлар устидан қозонилган ғалабанинг 40-йиллигига бағишланган драматурглар семинари бўлишини айтиб, мени сафарга чорладилар. Мен у ерда ўрисчалаштирилган «Голиблар» деган асарим билан қатнашдим.

Навбат кутиб юрибман. Бўш вақтим бор. Мана шундай пайтда учтўрт ойлардан буён юрагимни тимдалаб юрган бир масала менга тинчлик бермаётган эди. Бу ҳам бўлса, марҳумларни бадномлаш одати эди. Бу бутун жаҳонда, айниқса, бизнинг Шарқда қаттиқ қораланади. Шу туфайли марҳум Шароф Рашидов ҳақидаги ҳар хил ноҳуш гап-сўзлар менинг ҳам асабимга тега бошлаганди. Чунки, мен у кишини ҳарқалай, бир қадар билардим. Матбуотда ҳам, йиғинларда ҳам, радио ва телевидениеда ҳам кишилар Шароф Рашидовични «ҳаммамиз учун ҳурматли», деб улуғлашар ва «отахонимиз», деб аташарди. Бирданига гап чаппасига айланиб кетди. Қандай тухмат тошлари отилганини ҳаммага маълум.

Ажабланарлиси шунда эдики, у кишининг таълимларини олган, мурувватидан баҳраманд бўлган, кўмаклари билан юксак лавозимларга чиққан ножинс шахслар шундай қилишди. Халқдан сўрамай, халқ номидан қилинган қарорлар халққа хуш келмаганди. Мен мана шу вазиятдан ажабланиб, «Арслоннинг ўлими» деган шеърни ёзиб Тошкентга — Сарвар Азимовга жўнатдим. Анчадан кейин Сарвар Азимовнинг олдига кириб, юборган шеъримни олдингизми, деб сўрадим. У киши олганларини айтиб, «Яхшиси буни матбуотда чиқармай қўя қолинг, баъзиларга қаттиқ тегиб кетади», — деб айтдилар ва темир жавонга солиб қўйдилар. Шунга қарамай шеърни чоп эттирадиган бўлдик.

«Муштум» журналининг 13-сони тайёрланди. Корректура келгач, шеър сарлавҳаси остига, гап—сўз кўпаймасин, деб «Масал» деб ёзиб ҳам қўйдик. (Журналда қўл билан ёзилган бу сўз яққол кўриниб турибди).

Ўша дамларда Шароф Рашидов шаънига баъзи бировлар бало-қазодай ёпирилиб туришган эди. Айни пайтда, журналистларнинг кенгайтирилган республика мажлиси бўлиб, воҳалардан ҳам матбуотчилар қатнашган экан. Марказкўмнинг собиқ секретари Раъно Абдуллаева дарғазаб бўлиб «Муштум»да чиққан масални партия ва давлатга зид зарарли асар сифатида қоралади. Редакциямиздан мажлисга қатнашган ўртоқлар бу анжумандан жуда ноҳуш бўлиб қайтишди.

Уйга қайтаётсам, ҳамма журнал қидириб юрибди. Олган олди, олмаган қолди. Мен дарҳол Ёзувчилар уюшмасига бордим. Ўша даврдаги уюшмамизнинг катталари — Саъдулла Кароматов ва Ўктам Усмоновларга учраб, бўлган воқеаларни айтиб бердим. Улар тасалли бериб, ҳеч кимга ҳеч нарса демасдан жимгина юраверишни тавсия қилишди.

Кечқурун юқоридан телефон бўлди. Бош редакторимиз Иброҳим Раҳимни сўрашди. Мен Ригадаги ижодгоҳда эканлигини айтдим. Кейин билсам, Бош редакторимиз, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, Ўзбекистон Халқ ёзувчиси Иброҳим Раҳимни зудлик билан Ригадан чақириб олиб, бюрода муҳокама қилиб, ишдан олиб ташлашибди. Менга эртасига эрталаб Раъно Абдуллаева қабулида бўлишим кераклиги уқтирилди.

Юракни ҳовучлаб Марказкўмга бордим. Раъно Абдуллаева мени қабул қилдилар. Важоҳатлари ёмон эди. Бу асарни нега ёзганим ва нима учун ёзганимни сўради. Мен бу нарса масал бўлса, нега диққат бўласиз, дедим. У «сиз янги раҳбарий составга қаршисиз», деди. Мен эса, «Нега янги бўларкансизлар, сизлар янги состав эмас, аввалдан раҳбар бўлиб келгансизлар. Фақат ўринларингиз алмаштирилди холос», — дедим. У киши ер остидан қаттиқ қараб қўйдилар ва сўнгра «Муштум» журналидаги ўша шеърни кўрсатиб, барча бюро аъзолари ўқиб, дарғазаб бўлганликларини айтди. Қарасам, шеърда қайд этилган ҳар бир ҳайвоннинг остига қизил қалам билан чизиб қўйган экан. «Сиз ҳаммамизни ҳайвонга чиқариб юборибсиз!»...

Мен у десам бу деди, бу десам у деди. «Шеърни сизга кимдир зимдан бошқача талқин қилиб, ошириб — тошириб юборибди. Мен буни ибрат олиб, ўйлаб кўриш учун ёзганман. Агар мажлисга мени чақирганингизда нима учун ёзилганини тушунтириб берардим», дедим. Барибир Раъно Абдуллаева ўзича талқин қилишда туриб олди. «Менинг мақсадим марҳумлар шаънига тош отмасликка даъват этишдан иборат эди. Энди кўпчилик фақат сизнинг талқинингизни инобатга олажаклар», деб айтдим.

Мен 60 ёшга кириб, хизмат қилган жойларимдан огоҳлантириш у ёқда турсин, бирон бир дакки ҳам эшитмаганман десам, Раъно Абдуллаева бу биринчи ва охиргиси бўлсин, дедилар. «Сиз жуда катта одамсиз, сизнинг ҳар бир сўзингиз айниқса, катта мажлисларда билдирилган ҳар бир фикрингиз улкан кучга эга бўлади. Мана энди менинг қўшиқларим радио-телевизорлардан олиб ташланади, газета ва журналларда мен яратган нарсаларга ўрин тегмайди», дедим. Индамадилар.

Ҳақиқатан ҳам айтганимдек бўлди. Мен учун ҳаммаёқ тақа-тақ беркитилди. Радио ва телевидениеда қўшиқларим жарангламай қўйди. Қаерда номим кўринса ўчириладиган бўлди. Телевизорда кўрсатув учун ҳозирланган тизмаларда кўрингудек бўлсам, қирқиб ташланаверадим.

«Муштум» журнали деворий кўргазма тахтаси бўларди. Унда таҳририятда хизмат қилган кишиларнинг расмлари қатор турарди. Менинг расмим ўша даврда олиб ташланганча, ҳамон ўрнига қўйилгани йўқ. Ғафур Ғулом нашриётида чоп этилиши керак бўлган икки жилдлик китобим, Москвадаги «Советский писатель» нашриётида тайёрланган шеърлар тўпламим «республикада қаттиқ танқид қилинган экансиз», деган сўзлар билан қайтарилди. Баъзи асарларимга тескари тақризлар ёздирилиб, қолдириб, юборилди. Ёзувчилар Уюшмасининг съезди раёсати аъзолигидан Раъно Абдуллаева ўз қўллари билан менинг номимни ўчириб ташладилар. Абдуллаева ёзувчилар уставини бузиб, хатто Уюшма аъзоси бўлмаганларни правлениега киритгандилар. Хулласи бу одам нимани ҳушласа шуни қилавердилар.

Ачинарлиси шундаки, Фашизм устидан Ғалабанинг 40—йиллиги муносабати билан Киночилар уйида ўтказилган маросимдаги нутқда уруш қатнашчиси бўлган барча ёзувчилар бор, фақат менинг номим йўқ эди. Залдагилар ялт этиб менга қарашди. Хатто бунга қарши овозлар ҳам эшитилди. Ваҳолонки, бевосита қон кечиб, оёқдан ажралган ва жанговор Шуҳрат ордени олган кишиман. Бу орденни ҳар кимга ҳам берилавермаслигини яхши билишарди. Мен учун байрам заҳар бўлди.

Қаранг, бошқа ёқдан мана шундай сиқув даврида менга биринчи даражали «Улуғ Ватан уруши» ордени, медал, Фахрий Ёрлиқ беришди. Улуғ Ватан урушининг фахрийси деган нишон билан тақдирландим. Янги енгил автомашина инъом қилиб, янги гараж қуриб беришди. Ўзимизда эса мана шундай таҳқирлашлар давом этаверди. Натижада баъзилар мендан ўзларини олиб қочадиган бўлиб қолишди. Тўй— ҳашам, йиғинларга, хатто Ёзувчилар уюшмасининг мажлисларига ҳам чақирилмайдиган бўлдим. Хулласи, яккаланиб қолдим.

Хайриятки, 1984 йилнинг 5-сентябрида Ёзувчилар уюшмаси котибиятининг кенгайтирилган мажлиси бўлди. Бунда сатира-юмор секцияси фаолияти муҳокамаси остида, асосан, менинг масалам хусусида гап борди. Марказкўмдан икки вакил ва икки стенографчи қатнашди. Саид Аҳмад, Рамз Бобожон, Мирмуҳсин, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Худойберди Тўхтабоев ва бошқалар қўйиб-пишиб, менинг ижодий фаолиятимни мақташди. Фақат Сами Абдуқаҳҳор масални қоралаб, кимларнингдир таъсирида ёзилган, деган гапни айтиб қолди. Мажлисга атайлаб Дўрмондан тушиб келган марҳум устоз Уйғун бунга қаттиқ зарба берди.

Сарвар Азимов ҳам қизғин нутқ сўзлаб, мени қувватладилар. «Адабиёт ва санъат» газетасида шунча одамнинг гапи қолдирилиб, фақат Сами Абдуқаҳҳорнинг қораловчи сўзи босилди. Йиғин тарқагач, Туроб Тўла, «сени қаттиқ танқид қилишади, деб эшитгандим, юбилейларингда ҳам бунақанги зўр мақтовлар бўлмаганди», деб кулиб қўйди

Ўшанда мени қоралаб Уюшма аъзолигидан ўчириш назарда тутилган бўлса керак. Кейин маълум бўлишича, эркинликда юришим ҳавф остида қолган экан. Мана шу мажлис якунлари мени асраб қолган кўринади.

Ўша оғир дамларда мени бир нарса овунтирарди. У ҳам бўлса Шароф Рашидовнинг покиза руҳини шод қила олдим. Қаерда тўрт киши тўпланса, масални ўқиб юришаверди. Тўй-ҳашамларда ўқишди...

Минг шукурлар бўлсинки, ёруғ кунлар ҳам келди. Ҳақ қарор топа бошлади. «Рашидовчи» деб ном олиб, четлатилганларнинг кўксига мусаффо ҳаволар тега бошлаб, эркин нафас олишлар насиб этди. «Пахта иши» деб тухматга қолганларнинг кўпи ёруғликка чиқди. Лекин қурбонлар ҳам оз бўлмади. Асаблар қақшаб, кўпларнинг саломатлигига путур етди. Марказнинг дўмбирасига ўйноқлаган тоткинлар, майда шуҳратпараст «кунгабоқар»лар шарманда бўлиб қолишди.

Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов Шароф Рашидов масаласида ҳам мардлик, тантилик кўрсатдилар. Халқ у кишининг бу борадаги хайрли ишларидан бағоят хурсанд. Начора, ўша даврнинг сарқитлари ҳануз бор. Уларнинг тазйиқини мен ҳамон сезиб турибман...

Истиқлолимиз ва адолат устун келса, бундай хору-хашаклар унинг покиза шаббодасида соврилиб кетаверади. Руҳиятимиз экологияси муссафолашаверади.

Ҳайратда қоламан, нега деганда кечагина Рашидов руҳига терс бўлганлар вазиятни кўриб уялмай-нетмай, бу масалага ночор ўнг боқиб, сувдан қуруқ чиқмоқчи бўлаётибдилар. Бу хил шумликлар ҳам барҳам топса қандай яхши бўларди. Лекин улар қандай ҳийла-найранг қилишмасин, халқнинг синчков назаридан қочиб кутилолмайдилар!

Зоҳиджон ОБИДОВ.

— Шароф ота ҳақида сўз кетганда эзгулик билан ниҳол ўтқазган нуроний тўғрисидаги ҳикоят ёдимга келади. Назаримда у кишининг саъй-ҳаракатлари билан қайтадан бунёдга келган азим Тошкент ўша экилган ниҳолнинг гуркираб, яшнаб турганига ўхшайди.

● ДУНЁДА ЯХШИЛИК ҚОЛАДИ

ДУО БИЛАН ЁДГА ОЛАМИЗ

Шунга ҳам йигирма олти йилдан ошибди. Эсласам юрағим орқамга тортади. Табиий офатдан вайронага айланган Тошкент улкан қурилиш майдонига айланганди. Биз ҳали кўп қаватли уйларда туришни одат қилмагандик. Ҳовлисиз яшашни ўзимизга эп билмасдик. Шунинг учун уйсиз қолган минглаб хонадонларга шаҳар четидан, колхоз экинзорларини бузиб ер тақсимланган. Юртимиз отаси Шароф Рашидовнинг ҳақиқий халқпарвар, донишманд эканига имон келтирганман, ўшанда.

— Демак, Шароф Рашидович давлат ишлари, табиий офат келтирган зарарларни бартараф этиш билан боғлиқ муаммолар билан бағоят банд бўлишларига қарамай, Тошкентнинг Қурбақаобод даҳаси томонларга ҳам бориб турар эканлар?

— Ҳамма гап шундада. Сизга ёлғон, худога чин, у киши қарийб кунора келиб турардилар, десам ишонаверинг, — деб ҳикоясини давом эттиради Шароф Рашидов номидаги маҳалла қўмитаси раиси Маҳкам ака Сатторов. Кейинчалик бу ер янги даҳа қурилишининг штабига айланди. Шароф ота ана шу чодир ичида бир неча марта мажлис ўтказиб, лойиҳачиларга йўл-йўриқлар берганлар. Халқ билан мулоқотда бўлганлар. Келажакда бу ерда истиқомат қилувчилар учун барча шароитлар бўлиши, хусусан, транспорт, алоқа, ичимлик сув, газ келтирилиши ҳақида кўнгилдаги гапларни айтгандилар.

Ҳеч эсимдан чиқмайди. Бир куни янги истиқомат масканимиз шаклланиб, уй-жойлар қурилиб, кўчалар кўзга ташланиб қолган пайтда Шароф ота қараб турдилар-да; «Эски шаҳарни кўчириб келтиргандай манзара юзага келибди-я», деб қўйдилар.

— Ҳа, замонлар ўзгаряпти. Зеро, дунёда фақат яхшилик қоларкан. Маҳалламизнинг номи «Октябрь самараси» эди. Яқинда 480 дан ортиқ хонадонга канализация тармоқлари ўтказилди. Шу муносабат билан маҳаллада бўлган йиғилишда аҳоли маҳалламиз номини ўзгартиришни, иложи бўлса Шароф Рашидов номи берилишини таклиф қилди. Бу мулоҳаза кўпчиликка маъқул келиб, кўп ўтмай кўчамиз бошида «Шароф Рашидов номли маҳалла. Хуш келибсиз!», деган сўзлар пайдо бўлди. Биз у кишининг порлоқ хотираларини ёдга олиб, дуолар қилиб юрамиз.

Ҳайдар НОСИРОВ.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ

●

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ТЕЛЕРАДИОКОМПАНИЯСИ

●

ШАРОФ РАШИДОВ ФОНДИ

Атоқли давлат ва жамоат арбоби, адиб Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигига бағишлаб

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

Бугун соат 18.00 да

КАТТА ҲАЙРИЯ КОНЦЕРТИ

Концертга севимли хонандалар ва сўз усталари:

Олмахон ҲАЙИТОВА,
Ғуломжон ЁҚУБОВ,
Ортиқ ОТАЖОНОВ,
Аҳмаджон ШУКУРОВ,
Ғиёс БОЙТОЕВ,
Охунжон МАДАЛИЕВ,
Маҳмуджон АЗИМОВ,
Авазбек МАҲМУДОВ,
Насиба АБДУЛЛАЕВА,
Муҳриддин ХОЛИҚОВ,
Тошпўлат МАТКАРИМОВ,
Ботир МУҲАММАДХЎЖАЕВ
Обид, Собит АСОМОВЛАР
таклиф этилади.

Хайрия концерти ойнаи жаҳон орқали намойиш этилади.

Хайрия концертига ҳомийлар танланяпти.

Концертга қатнашиб, Шароф Рашидов фондига ҳисса қўшишни истаган ташкилотлар, корхоналар, биржалар, фирмалар ўз таклифлари ҳақида олдиндан хабар беришларини сўраймиз.

Телефонлар: 33-65-45; 33-20-36; 32-54-35.

АРСЛОННИНГ ЎЛИМИ

Бир ўрмонда ногаҳон
Юз берди оғир мотам,
Жамики жондор зотин
Бошин эгиб қўйди ғам.
Даррандалар шоҳи Шер —
Умрин йўли узилди.
Нураб кетгандек олам,
Кўплар кўнгли бузилди.
Шер оқил бир Шер эди,
Кўплар ғамин ер эди.
Тотувликда, тенгликда
Яйраб яшанг, дер эди.
Мотам бўлди улуғвор
Кўрилмаган бундоғи,
Жами жондор қатнашди
Худди йўқдек адоғи
Чунки чин меҳру эзоз
Қозонганди ҳар ёнда
Шу боис лозим иззат
топди ўлгани онда.

* * *

Мотам ҳам ўтди кетди,
Турмуш тушди изига,
Урнин айёр Шер олди
Ҳаёт тўхтасин нега!!
Беш қўл тенг эмас экан,
Пасту баланд бор эди.
Қилғилиғи пинҳона
Қувлик ҳам бисёр эди.
Шердан наф кўрсалар ҳам
Чекканимиз деб изтироб,
Узин ночор тийган шум
Жондорлар йиртди ниқоб.
Бирор мушкиллик тушса
Феълу атвор сезилар.
Асл айнимас экан,
Пасткашдан дил эзилар.
Ювош кўринган бўри
Қилғилиғи билинди,
Қабиҳлиғи фош бўлиб
Тумшуғидан илинди.
Сулаймон ўлиб девлар
Қутилди деган гап бор,
Шу нақлга ўхшаган
Айёр тўлки марҳумнинг
Беюзлик бўлди ошкор.
Шаънига отди тошлар,
Қадрим йўқ эди, дебон
ёлғондан тўкди ёшлар.

Чиябўри чийиллаб
Артиб ифлос тумшуғин,
Ҳалоллик даъво қилди
Сочиб фитна уруғин,
Қилган бўлса не шумлик
Марҳумга у ағдарди,
Сувдан қуруқ чиқмоқлик
Йўл-йўриғин ахтарди.
Биладики тирилиб,
Изза қилмас марҳумлар.
Шу боис қўрқмай бўхтон —
юклар феълин машъумлар.
Шунчалар ҳам беюзлик
бўларми бу жаҳонда,
Не ҳам дердик шумлар шум.
Ҳайвон ахир ҳайвон-да!..

* * *

Қиссадан ҳисса шулким,
Булардан бўл эҳтиёт.
Минг суркалиб келса ҳам
Қаҳри қаттиқ, феълин ёт.
Эриб кетмасин кўнгил
Тулкиларча бўзлашдан,
Минг ўргил, гар қоқилсанг,
тоймас сени тузлашдан.

1984 й. («Муштум») № 13.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

●

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва «Ўзбекистон овози» журналистлар жамоаси

Бош муҳаррир Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

РЕДАКЦИЯЛАР: Иқтисодий ҳаёт — 33-47-80, 32-53-14, Ижтимоий ҳаёт — 32-21-43, 32-53-16, Вилоят мухбирлари билан ишлаш — 33-12-16, 33-11-49, Хатлар бўлими— 33-20-36, 32-54-35, Котибият — 33-72-83, 32-53-06, Ахборот-тижорат хизмати — 32-54-14, Қабулхона — 32-55-15.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-21-05, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-26-22, Жиззахда—3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда —35-22-90, Урганчда — 6-72-60, Фарғонада — 6-97-40, Термизда — 2-23-01, Тошкентда: шаҳар бўйича — 33-76-04, вилоят бўйича — 32-26-70.

Навбатчи муҳаррир: Зоҳиржон ҲАЙДАРОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700083, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Газета офсет усулида А—2 форматда босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 23.00. Г—453. № 218. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.

Марат Обидович ДАМИНОВ

Ўзбекистон Республикасининг кўп минг сонли тиббиёт аҳли оғир жудоликка учради. Соғлиқни сақлаш ишларининг моҳир ташкилотчиларидан бири, соғлиқни сақлаш вазирининг муовини, тиббиёт фанлари доктори, профессор МАРАТ ОБИДОВИЧ ДАМИНОВ 1992 йил 23 октябрда автомобиль ҳалокати туфайли қирқ беш ёшда бевақт ҳаётдан кўз юмди.

М. О. Даминов 1947 йилнинг 11 апрелида Тошкент шаҳрида оддий меҳнаткаш оиласида дунёга келди. Тошкент Давлат тиббиёт олийгоҳининг педиатрия куллиёти ва аспирантурасини битирди. Ўткир зеҳнли, ҳаракатчан Марат Обидович 1975 йили номзодлик, 1990 йили докторлик диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилди. У 1974—1977 йилларда тиббиёт олийгоҳининг муаммолар биофизика лабораториясида кичик илмий ходим, 1977 йилдан эса, болалар касалликлари клиникаси ва кафедраларида аввал ординатор, сўнгра ассистент, доцент лавозимларида ишлади. 1990 йилда 2-Тошкент Давлат тиббиёт олийгоҳининг илмий ишлар бўйича проректори, 1991 йилдан Республика соғлиқни сақлаш вазирининг муовини бўлиб фаолият кўрсатди.

Ажойиб инсон, камтарин ҳамкасбимиз, биродаримиз Марат Обидович Даминовнинг порлоқ хотираси бизнинг қалбимизда абадий сақланади. Унинг бевақт вафоти муносабати билан оила аъзолари, қариндош-уруғлари, яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирамиз, уларга сабр-тоқат тилаймиз.

БИР ГУРУҲ ДЎСТЛАРИ.